

Туман ҳокимининг навбатдаги ўрганиш манзили “Қорахон” маҳалласи бўлди



Бугун туман ҳокими Шухрат Назаров вилоятдан Термиз туманига бириктирилган вакил, вилоят Солиқ бошқармаси бошлиғи Эркин Нарманов ва туман сектор раҳбарлари билан “Қорахон” маҳалласида бўлиб, ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Ўрганиш давомида маҳалла ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектлари, аҳоли турар жойлари, савдо дўконларини тартибга келтириш, йўл бўйидаги бино ва иншоотларнинг фасад қисмини таъмирлаш, ариқ четларини тозалаш, турли дарахт ва гул кўчатлари экиш бўйича топшириқлар берилди.

Ҳудуддаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, аҳолига қулай шароитлар яратиш бўйича мутасадди ташкилотлар бугундан ишларни бошлашлари, топшириқлар ижроси қайта ўрганилиши таъкидланди.